

СИЁСАТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

● МУЛОҚОТ

Фаоллик ва ташаббускорлик

АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗДА НАМОЁН БЎЛСИН

ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов билан суҳбат

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузаси юртимизда амалга оширилаётган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу босқич сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш билан бирга улар зиммасига фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, худудий партия ташкилотлар, БПТлар ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашиларидаги партия депутатлар гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш каби долзарб вазифалар юқлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Валижон Реимов билан суҳбатда бу борадаги ишларга эътибор қаратдик.

— Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда?
— Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов

дан, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда шу йилнинг июль, август ойларида «Достон ижро этувчи бахши ва жировларнинг иккинчи Республика кўрик-танлови» ўтказилди. Шунингдек, партияимиз томонидан Қорақалпоғистон Республикаси

Шу ўринда Юртбошимиз тақдим этган Концепциядаги куйидаги фикрни келтириб ўтсам: "Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваломбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқелиқдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболга салбий таъсир кўрсатиши мумкин". Биз доимо бунни ёдда сақлаган ҳолда фаоллик ва ташаббускорлик амалий ишларимизда намоён бўлишига интиломдамиз.

раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари Юртбошимиз таъбири билан айтганда "Мамлакатимизни ислохот этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортага қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас".

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепция ва унга мувофиқ қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди. Шу ўринда савол туғилади. Ҳўш, биз яратилаётган имкониятлардан қай даражада фойдаланяпмиз? Партия сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган фуқароларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, уларни миллий қадриятларимизга хурмат руҳида тарбиялашдек муҳим вазифаларни бажаришда нималарга эътибор қаратиш мумкин. Бу мақсадларга эса, албатта, таъсирчан тадбирлар, изчил олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари орқали эришилади. Ҳозирда фаолиятимизни ана шу талаблардан келиб чиқиб олиб бораёямиз. Саволингизга қайтайдиган бўлсак, бу борада ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан Концепцияда илгари сурилган гоё ва қонунчилик ташаббусларини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиши, ёш авлод сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш, партия дастури ва сайловолди Платформаси ҳамда жорий "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган 700 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Жумла

«Хунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда «Халқ амалий санъати ва бадий хунармандчилигини ривожлантириш», "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролинини кучайтириш", "Партия матбуот хизмати фаолиятини самарали ташкил этишнинг долзарб вазифалари" каби мавзуларида тарғибот-таҳлил тадбирлари ташкил этилди.

— Партия дастурий мақсад-гоялари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан депутатлик гуруҳлари ва БПТ фаолиятига тўхталсангиз.

— Жамиятимизнинг барча соҳаларида демократлаштириш жараёни

Шунингдек, депутатларимиз тарихий обидаларни сақлаш, ўзликни англаш, мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётида миллий урф-одатлар ва анъаналарни юксалтиришга қаратилган ташаббуслар билан чиқишмоқда.

кечаётган ҳозирги даврда фаол ва ташаббускор бўлиш ҳар бир депутат олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши депутатлари партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурмоқдалар. Хусусан, Халқ депутатлари Нукус шаҳар ва Шуманай туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш, соғлом авлодни шакллантириш тўғрисида" ги 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган Қарори ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунириш мақсадида учрашув, давра суҳбати, семинар ва очик мулоқотлар ташкил этилди. Шунингдек, Халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашидаги Ўзбе-

кистон "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлик гуруҳи томонидан "Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 5 майдаги Фармони ва "Қишлоқ жойларидаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида худуддаги болалар спорти объектлари ўрганилиб, улар учун зарур спорт инвентарлари ва спортнинг бадий гимнастика ва стол теннис бўйича аёл мураббийларни тайёрлаш ҳақидаги тақлифлар Чимбой туман ҳокимлиги ҳамда туман Маданият ва спорт ишлари бўлимига тақдим этилди. Шунингдек, депутатларимиз тарихий обидаларни сақлаш, ўзликни англаш, мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқимиз ҳаётида миллий урф-одатлар ва анъаналарни юксалтиришга қаратилган ташаббуслар билан чиқишмоқда.

Бугунги кунда ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашида 520 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Мазкур бўғин томонидан партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тарихида 80 га яқин азёси бўлган ЎЗМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси "Хунарманд" уюшмасидаги бошланғич партия ташкилотиде амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу БПТ томонидан "Устоз-шогирд" анъанасини янада ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида "Ўн бармоғи хунарли", "Миллий кўйроқлар — маънавиятимиз кўзгуси", "Нукус туманида халқ амалий хунармандчилигини янада ривожлантириш", "Қорақалпоқ миллий либослари" каби мавзуларида қатор тадбирлар ташкил этилди.

— ЎЗМТДПнинг ҳар бир ташкилотиде ўз фаолиятини доимо танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланди. Шу нуктага назардан Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолиятига назар соладиган бўлсак, энг аввало қандай камчиликлар кўзга ташланади?

— Ишдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинганда унинг сабаблари яққол кўзга ташланади. Шу нуктага назардан ёндашсак, куйи бўғин фаолиятини янада жонлантириш, партиянинг маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш, тадбирлар таъсирчанлиги ва са-

марадорлигини таъминлаш олдимизда турган энг долзарб масала ҳисобланади. Қолаверса, партия ташкилотлари билан депутатлик гуруҳлари ўртасида доимий алоқани йўлга қўйишимиз керак. Мазкур камчиликлар партиянинг шаҳар, туман Кенгашилари мундариб кун тартибига алоҳида масала сифатида қўйилди ва уларни бартараф этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу ўринда Юртбошимиз тақдим этган Концепциядаги куйидаги фикрни келтириб ўтсам: "Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваломбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқелиқдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболга салбий таъсир кўрсатиши мумкин". Биз доимо бунни ёдда сақлаган ҳолда фаоллик ва ташаббускорлик амалий ишларимизда намоён бўлишига интиломдамиз.

Суҳбатдош: Камолiddин САИДУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Интеллектуал мулк

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу лойиҳага мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Оила кодексларига, шунингдек, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санкция қилиш тўғрисида", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида", "Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Психиатрия ёрдами тўғрисида", "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида", "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида" ҳамда "Риэлторлик фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг бир қатор моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда.

Кун тартибидеги навбатдаги масала "Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаш-

тирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида" ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Таъкидланганидек, Юртбошимизнинг мазкур қарориде белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил ҳолатда фаолият кўрсатиб келаётган Давлат патент идораси ва Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизиде Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди.

Интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида давлат сиёсатини олиб бориш ва амалга оши-

риш билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитида инновацион технологиялар ҳамда ихтироларни, илмий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама қўмаклашиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрлар малласини ошириш ва қайта тайёрлаш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш каби масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу қонун лойиҳасида амалдаги қатор қонун ҳужжатлари ва кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларни унификациялаш ва бир хилда қўлланилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортқича молиявий харажатлардан ҳолое этилиши, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтиришини таъминлайди.

Йиғилиш сўнгиде муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● БЕЛЛАШУВ

Спортчи қизлар

ЎЗМТДП СОВРИНИ УЧУН ЎЗАРО КУЧ СИНАШДИ

Жиззах вилоятида 117 минг 111 нафар хотин-қиз мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланади. Худуд хотин-қизлари ўртасида бадий гимнастика, бадминтон, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, дзю-до, енгил атлетика, синхрон сузиш каби 30 дан ортиқ спорт тури кенг оммалашган. Албатта, жойларда қўлаб спорт иншоотларининг барпо этилиши ва соҳада олиб борилаётган тарғибот ишлари, улар ўртасида турли спорт мусобақаларининг мунтазам суръатда уюштирилаётгани худуд хотин-қизларининг спортга бўлган қизиқишини орттирмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда хотин-қизлар иштирокида 220 дан ортиқ спорт мусобақалари уюштирилди. Бу ўз навбатида жисзахлик спортчиларнинг турли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишида муҳим омил бўляпти. Жумладан, Тошкент вилоятида дзю-до бўйича уюштирилган республика чемпионатида 3 нафар, Бухорода бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида 6 нафар ёш спортчи қиз шохсупанинг энг юқори чўққисини забт этди. Шунингдек, жисзахлик 3 нафар қиз спортнинг самбо тури бўйича Марказий Осиё ва республика миқёсида бўлиб ўтган 5 та чемпионатда иштирок этиб, 10 дан ортиқ олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, йил мобайнида ҳам турли сана ва спорт федерациялари иш режасига мувофиқ хотин-қизлар ўртасида қўлаб мусобақа ва турнирлар уюштирилади. Шунингдек, спорт ташкилотлари билан бир қаторда

турли жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан ҳам қўлаб спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Жумладан, "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан ўсмирлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда футбол турнири уюштирилади. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ҳам вилоятнинг турли худудларида хотин-қизлар ўртасида спорт тадбирларини уюштириш анъана тусини олган. Вилоят партия ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги спорт мусобақаси Зомин тумани тоғ бағирларидаги болалар оромгоҳларида бўлиб ўтди.

Ўсмир қизлар ўртасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши соврини учун спортнинг бир қатор миллий халқ ўйинлари, ўзбек жанг санъати, баскетбол ва стол тенниси ҳамда

шашка турлари бўйича мусобақа уюштирилди. Тадбирда ёш гимнастикачиларнинг кўрғазмали чиқишлари ўзгача руҳ бағишлади. Болалар ўртасида кенг қизгин беллашувлар голибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

— Тадбирни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад миллий халқ ўйинларини тиклаш, ундан ёшларни баҳраманд этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир, - дейди ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси "Аёллар қаноти" раҳбари Ш.Мусаева. — Бугун болалар юзидеги қувончини, уларнинг маҳоратини кузатиб, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётганлигини ҳис этдим. Бу фикримнинг қанчалик ҳақлигини ёшларимизнинг халқаро арена-ларда қўлга киритаётган ютуқлари яна бир қарра тасдиқлайди. Мазкур ҳайрия ишга партияимиз вакиллари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Таъкидланганидек, ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши ва вилоят Ўзбек жанг санъати федерацияси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳамжихатликда ташкил этилаётган бу каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Алижон АБДУСАТТОРОВ, ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот котиби

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ХРОНИКА

Биз билан бирга бўлинг

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНСИС

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлол йилларида ёшларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Уларнинг таълим олиши, халқимизнинг маънавий, ахлоқий анъаналарига таянган ҳолда миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув семинарлар ташкил этиб келмоқда.

ЎзМТДП Тошкент вилояти ҳамда Зангиота тумани Кенгашлари ташаббуси билан "Мустақиллик — ёшлар нигоҳида" мавзусида ўтказилган тадбир ҳам ана шундай мақсадларга қаратилган. Унда ЎзМТДП вилоят ва туман Кенгашлари аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент вилояти ва туман Кенгашлари депутатлари, партиянинг "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, БПТ раҳбарлари, "Раҳбаробод" МФЙ фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этиди.

Тадбирда буюк аجدодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг бой меросини ўрганишда аҳоли, айниқса, ёшларимиз маънавий олами бийитишда муҳим ўрин тутиши, эртадан эгаларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни касбга йўналтириш, ёш кадрларни иш билан таъминлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

АНДИЖОН

ЎзМТДП Жалақудук тумани Кенгаши томонидан "Биз билан бир сафда бўлинг" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда ЎзМТДП Жалақудук туман Кенгаши раиси Д.Иминжонов мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида илгари сурилган устувор вазифалар мазмун-моҳияти юзасидан ЎзМТДП томонидан амалга оширилган ишлар хусусида йиғилганларга маълумот берди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

НАМАНГАН

ЎзМТДП Поп туман Кенгаши аъзолари, партиянинг "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинининг фаоллари ҳамда ёшлар иштирокида "Диний экстремизм, терроризм ва миссионерликка қарши кураш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда ёш авлоднинг турли оқимлар, ёт гоғлар таъсирдан асраш, уларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида камол топтириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш лозимлиги эътироф этилди.

Ҳамкор ташкилотлар бундай тадбирларни тумanning чекка ҳудудларида ҳам биргаликда ташкил этиш таклифи билан чиқишди.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Фаллаорол туман Кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати "Тадбиркор хотин-қизларнинг мамлакат равнақидаги ўрни" деб номланди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, тумандаги БПТ раҳбарлари, "Дўстлик" маҳалласи фаоллари иштирок этиди. Йиғилишда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, солиқ ва молиялаштириш тизимидаги имтиёзлар хусусида батафсил маълумот берилди. ЎзМТДП электроти саналган хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар йиғилганларга ўз фаолияти, бизнес-режа тузиш, кредит олиш тартиблари, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотишни йўлга қўйиш бўйича тажрибалари билан ўртоқлашди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, мазкур жараёнда ЎзМТДПнинг иштироки ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

НАВОИЙ

ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши ва "Хунарманд" уюшмасининг туман бўлими билан ҳамкорликда соҳани янада ривожлантириш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда. Тумандаги "Чашма" табиий-меъморий мажмуасида ўтказилган оилавий миллий каштачилик намуналари кўргазмаси ҳам ана шу мақсадлар рўёбига қаратилди.

Тадбирда нуроталик чеварларнинг қўл меҳнати билан яратилган сўзаналар, дарпардалар, жойпўшлар ва аёллар либосларига, бетакорор нақшлар билан безак берилган каштачилик намуналари намойиш этилди.

Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Ш.Расуллова мамлакатимизда унутилаёган миллий қадрият, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши ҳамда соҳа ривожига қаратилган ҳуқуқий асосларнинг яратилиши хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлаётганлигини таъкидлади.

Тадбирда фаол иштирок этганларга партия ва ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбиримиз

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**



Ёшлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТУВЧИ АСОСИЙ КУЧ

киллари иштирок этиди.

Икки кунлик ўқув мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг ўрни ва роли" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия Марказий Кенгаши аъзолари, ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Ёш сиёсий шарҳловчилар клуби" аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторингинг қилиш мустақил институти ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ходимлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчилари ҳамда ОАВ ва

маънавий ва ҳуқуқий асослар ҳамда шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўриндосари, А.Эшмуродов. — Натижада фарзандларимиз, юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгариш ва ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган мазкур ўқув-семинар ёшларда сиёсий етакчилик ва

ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билимини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимизни янгилаш ва ислох этишнинг ҳозирги босқичида сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этилади. Хусусан, таъсирчан тадбирлар ташкил этиш орқали ўз дастурий мақсадларини жамоатчилик ўртасида тарғиблаш таъкид этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, ўқув-семинар иштирокчиларида "Партиявий тадбирлар ташкил қилишнинг замонавий интерфаол усуллари" мавзусидаги маъруза катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинар таклиф ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Тадбир давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган янги лойиҳаларини таклиф этиди.

Дилафруз БАҲРИДДИНОВА,
ЎзМТДП Навоий вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Бугунги ўқув-семинарда партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада жонлантириш, улар олдида турган долзарб вазифалар, ёшлар билан ишлашга қаратилган янги лойиҳалар билан чиқишга доир қатор маърузалар тинглади. Англадикки, биз ёш тенгдошларимиз билан бўладиган мулоқот ва тадбирларга улар қизиқишларидан келиб чиқиб, ёндашсак ва шу орқали уларнинг таклиф ва истаklarини ўргансак, кутилган натижаларга эришамиз. Яна шунинг айтиш мумкин, ўқув-семинар баҳорасида ёш етакчиларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашганлиги келгуси фаолиятимизда қўл келади.

Сардор ДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Ушбу семинарнинг биз ёшлар учун самарали жиҳатини "Ёшларнинг долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида партия "Ёшлар қаноти"нинг устувор вазифалари" мавзусидаги маъруза мисолида айтишим мумкин. Бугун глобallasушув жараёнида яшаймиз. Бундай вазиятда ёш авлод онгидеги маънавий бўшлиқни тажовузкор гоғлардан сақлаш, уларда мустақил фикр ва дунёқарашни шакллантириш, ёшларни турли мафқуравий хуржлардан асраш йўналишидаги тадбирларни янада кучайтиришимиз лозим бўлади.

Гавҳар ДИЛМУРОВА,
ЎзМТДП МК Ахборот хизмати ходими



● **ДЕПУТАТ МИНБАРИ**

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ БОШ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қисқаси биз ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифалар йўлида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий ривожланган демократик давлат барпо этиш учун тинмай изланышимиз, ҳаракат қилмоқдамиз.

Муҳтарам Юртбошимиз Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилган ҳолда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичга кўтариш борасидаги энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берди.

Концепцияда белгиланган "Суд-ҳуқуқ тизимини ислохот этиш" йўналиши алоҳида ўрин тутди. Чунки, демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ тизими жараёнлари долзарб ҳисобланади. Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш ва шакллантиришга қаратилган кўплаб ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур соҳага оид қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислохот демократлаштириш ва либераллаштириш

вазифаси илгари сурилди.

Тақдим этилган Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимининг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини янада оширишга, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолиятини янада либераллашувини таъминлашга ҳам олиб келади.

Жиноятларни таснифлаш қоидаларининг ўзгарилиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг судлар томонидан кенгрок тайинлашига хизмат қилмоқда. 2001 йилда судланганларнинг 7,2 фоизига жиноий жазо сифатида жарима тайинланган бўлса, 2009 йилда мазкур рақам 16,9 фоизни ташкил этди. Қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш каби жиноий жазоларни тайинлаш ҳоллари: қамоқ судланганларнинг умумий сонига нисбатан 1,3 фоиздан 0,9 фоизгача; озодликдан маҳрум қилиш — 37,9 фоиздан 31,0 фоизгача камайди.

Концепцияда илгари сурилган, амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"

ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинишини бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунки ўтган давр мобайнида эътибор қаратилди. Масалан, "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини кучайтиришга, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини янада оширишга, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу соҳадаги фаолиятини янада либераллашувини таъминлашга ҳам олиб келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29, 31-моддалари ва 321, 439-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзгатишга доир ваколатини чиқариш таклифи суднинг бугунги ҳуқуқий макомига мувофиқ келади. Суд жиноят иши кўзгатиш билан ўзининг ҳолислиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Барчамизга маълумки, жиноят ишини кўзгатиш, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органла-

ри, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари вазифасига кирди. Суд эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва нечоғли асосли эканлигини баҳолаш талаб қилинади. Бундан кўриниб турибдики, суднинг энг асосий вазифаси одил судловни амалга оширишдир. Президентимиз таклифини амалга ошириш суднинг унга хос бўлмаган вазифадан озод қилади, унинг ҳолис ва беғаразлигини таъминлайди, фуқароларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Давлатда Конституция нормаларига мувофиқ яшаш, қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга қатъий риоя қилишга эришиш кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуришининг асосини ташкил этади. Амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли бўлиши эса кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий даражасига боғлиқ бўлади. Бугун Концепция бизнинг олдимизга юртимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг тинч ва тотув яшашларига кўмаклашиш каби вазифаларни қўймоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз ҳаракат Дастури ва сайловди Платформасидан келиб

Барно ИСЛОМОВА,
ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

МАЪНАВИЯТ

● **МЕРОС**

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, муштариф Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуг аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Ислом КАРИМОВ

Табаррук Термизий



(Давоми. Боши 1-бетда)

Термиз қалъаси Ҳўку (ҳозирги Амударё) соҳилида қад рослагандан буён бу шаҳар мозий бағрида рўй берган кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлиб келди. Ана шундай қадим тарихимизнинг залворли юқини ўзида пинҳон тутган бетакрор Термиз шаҳрида жаҳонга машҳур буюк алломалар таваллуд топган. Улардан бири ҳақли равишда мутафаккир Алишер Навоий шарикат ва тарикатда "машоқи кибор" ("улуг шайх"), тасаввуф илмида "дурри ятим" ("ягона дур") деб таърифлаган Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ибн Хорун ал-Ҳаким ат-Термизийдир.

Ҳаким Термизийнинг илмий мероси улкан бўлиб, алломанинг китоб ва рисолалари жаҳон мамлакатларининг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Замонасининг улуг тарикат пешвоси яратган асарлари ва ислом йўлидаги собит иродаси туфайли қатор диний унвонларга ноил этилди. Аллома ўзининг айрим рисолаларида, чунончи, "Баён ул-қасб" да муҳаддис, "Китоб ал-фуруқ" да ҳофиз, "Илм ал-авлиё" да зоҳид, "Адаб ан-нафс" да имом, "Тахсил назоир ал-Қуръон" да муаззин унвонларига эғалигини эслатиб ўтади. Бундан ташқари, алломаи замон сайид, хожа, муфассир, ориф, шайх, вали, ҳаким унвонларига ҳам мушарраф бўлган. Бу унвонларни ул зоти олийларининг оромгоҳлари пештоқидида битиклар ҳам тасдиқлаб турибди. Қолаверса, Фаридиддин Аттор "Ҳаким ул-авлиё" ("Авлиёлар донишманди"), Баҳоуддин Нақшбандий "Қувват ул-авлиё" ("Валиёлар мағи"), Шайх Рукниддин Симноний "Бидоят ул-авлиё, ниҳоят ул-анбиё" ("Авлиёларнинг бошланғичи, пайгамбарларнинг охири") дея Ҳаким Термизий васфидида мақтов ва олқишлар айтган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси қарийб ўн бир асрким, қутлуг зиёратгоҳ, муқаддас саждагоҳ бўлиб келмоқда. Шу боис XVII асрнинг таниқли тарихчи-географ олими ибн Вали таъкидлашча, Термизда икки ракат дуои фотиҳани бажо келтириш ўзга жойларда тиловат этилган етти юз ракатга тенг келар экан.

Сурхондарё вилоятида, шу жумладан, Термиз Давлат университетида ал-Ҳаким ат-Термизий ва аллома яратиб қолдирган улкан меросни ўрганиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. 2004 йилда "Ал-Ҳаким ат-Термизий" ва унинг даври" мавзусида Халқаро илмий анжуман ўтказилди. 2006 йилдан ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий маъносидида катта таъмирлаш ишлари бошланди. Мақбарани таъмирлаш муносабати билан унинг атрофида кенг қўлланли археологик қазув ишлари олиб борилди. Термиз Давлат уни-

верситети археологик гуруҳининг тадқиқотлари натижасида мақбара бунёд этилган жой тарихи ва мақбара мажмуининг шаклланишини ойдинлаштирувчи кўплаб ашёвий манбалар тўпланди. Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси худудини тадқиқ этиш давомида икки муҳим янгилик кашф этилди. Биринчидан, ал-Ҳаким ат-Термизий маслакдошлари ва шоғирдларидан иборат сўфийлар томонидан исломга қадар мавжуд бўлган форсимон бинолардан ўз фаолиятлари учун фойдаланиш жараёни, иккинчидан, исломга қадар мавжуд бўлган ибодатхона ўрнида Мовароуннахр, сўфийлик тарикатининг илк вакили ал-Ҳаким ат-Термизий дафн этилиб, унинг қабри атрофида мақбара шаклланди.

Алломанинг қабри устида қад кўтарган дастлабки мақбара меъморий безаксиз, мўъжазгина гумбазсимон иншоот кўринишида бўлиб, IX асрнинг охири ва X асрнинг бошларида барпо этилган. Мақбаранинг мураккаб нақшин лавҳалар ва эпиграфик ёзувлар билан безалиши 1091-1095 йиллар бора-лигида амалга оширилган. 1165-1167 йиллар тўлиқ шаклланди. XVI асрда мақбаранинг айвон ички қисмларининг ганжори нақшлар ва эпиграфик ёзувларда безалган давридир. 1389-1390 йилларда мақбаранинг шарқий томони ва арчасимон услубда пиширилган тахланган ҳовли деворининг жанубий девори бўйлаб чиллақонали мақбара қурилади. XV аср бошида Темурий шаҳзодалар ҳукмронлигида мақбара таркибида икки пештоқли маҳабатли хонақоҳ қурилади ва шайх қабри устида мрамор қабртош ўрна-тилади. XVI асрда мақбаранинг шимоли-шарқий тарафида хонақоҳ бурчагида яна бир мақбара барпо этилади. XVII-XVIII асрларда мақбара жанубий девори бўйлаб яна уч гумбазли қўшимча иншоотлар қурилган.


Мақбарада навбатдаги таъмирлаш ишлари ўтган асрнинг 70-йилларида ва 1996-97 йилларда амалга оширилган. Мус-

тақиллик шарофати билан 2006 йилдан бошлаб ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий мерос объекти сифатида таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу таъмирлаш ишлари ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасида амалга оширилган ишлардан сифатли, ҳажмли ва илмий асосда ташкил этилганлиги кўра, қуйидаги асосий хусусиятлари билан тубдан фарқ қилди:

Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг ташқи тарафи бўйлаб асрлар давомида ҳрсил бўлган маданий қатламлар археологик тадқиқотлар асосида қазиб очилди ва мақбара таркибида мавжуд бўлган қатор янги иншоотлар аниқланди. Мақбара ички ва ташқи томонларида 1996-1997 йилларда қўлланган замонавий мрамор қопламалар меъморий обидаларни сақлашни ҳолатига салбий таъсир кўрсата бошлагани учун батамом олиб ташланди; Мақбарани таъмирлашда жаҳон меъморий ёдгорликларини таъмирлаш талабидан келиб чиқиб, обидаларни қўриқмоқда қўлланган гишт ва қоричмалар ишлатилди; Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси мажмуида амалга оширилган таъмирлаш, ободонлаштириш ишларидан асосий мақсад, бу меъморий ёдгорликни келгуси авлодлар учун сақлаш, ташриф буюраётган хоржиқ меҳмонлар ва ватандошларимиз учун мақбарани замонавий зиёрат ва сайёҳлик масканига айлантиришдан иборат эди.

Айни вақтда Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси нафақат Сурхондарё вилоятининг, балки Ўзбекистонимизнинг сўлим ва гўзал гўшаларидан бирига айланган. Қайта таъмирланган, атрофи асфальт йўллар ва боғу роғларга айланган мозий обидаларини кўриб қўзинг яйрайди. Мустақиллик, озодлик бебахо неъмат эканлиги, давлатимиз ва Президентимиз тутган йўлнинг айна ҳақиқат эканлигига иймон келтирасан. Асрлар давомида вайронга айланган обидаларнинг тикланиши, бетакрор ва гўзал гўшага айланиши нафақат ал-Ҳаким ат-Термизий ҳазратлари руҳини шод этади, балки биз замонадошларнинг ҳам кўнглимизда Ватанга, буюк ватандошларимизга нисбатан ифтихор туйғусини янада мустаҳкамлайди.

Эркин МУКИМОВ,
"Milliy tiklanish"
жамоатчи мухбири



Музейлар ҳар бир миллатнинг моддий ва маънавий меросини ўзига хос намуналар кўринишида сақлаб келаятган беқиёс хазиналар даргоҳидир. Улар ўтмишни бугунги кун билан боғлайди ва келгуси авлодларга муносиб тарзда етказиб беришга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан барча соҳалар қатори маънавият ва маърифат масканлари бўлмиш музейлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида музейларга кундан-кунга янгиликлар ва ўзгаришлар кириб бормоқда. Ана шундай ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш мақсадида Республика "Ўзбекмузей" жамғармасининг илмий, маданий-маърифий ишлар бўлими муdiri Камола Нишнова билан суҳбатлашдик.

— **Ортимизнинг 20 йиллик тўйини ҳар бир соҳа вакиллари ўзига хос тўёна билан муносиб нишонлади. Шу маънода "Ўзбекмузей" жамғармаси қандай тўхталар ҳозирлади?**

— Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида янада чуқурроқ очиб бериш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидида барча музейларда "Мустақиллик экспозицияси" ташкил этилди. Экспозиция ўрта бўлимдан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлидаги тарихий воқеалар, Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, бутун мамлакат миқёсида таълим ва тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш тизимларининг тубдан ислох қилиниши, қишлоқ ҳўжалиги, меъморчилик ва ободонлаштириш ишлари, маънавий кадриятлар ва миллий ўзликини англашнинг тикланиши, маданият ва санъат соҳасида эришилган ютуқлар, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик, Ўзбекистонда туризмнинг

● **МУШОҲАДА**

Миллий қадриятлар

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Мустақилликнинг йигирма йиллик довоини босиб ўтдик. Бу навқирон даврда мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар, эврилишлар рўй берди. Халқимизнинг сийёсий фаоллиги юксалди, давлатчилигимизнинг, мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг миллий модели яратилди. Энг муҳими, буни бугун жаҳон эътирофи тўқмоқда. Ортимиз ахборот-коммуникация технологиялари даврида ривожланиш йўлидан изчил бораёпти.


Маълумки, истиқлолнинг илк йилларида мустақил Ўзбекистоннинг олдида турган муҳим вазифалардан бири сифатида Маънавий Тикланишга алоҳида эътибор қаратилди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, миллий тикланиш фикрлар тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудрати ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқ. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи да-

● **НИГОҲ**

"Ўзбекмузей"

ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР



ривожланиши, спорт соҳасида эришилган ютуқлар қамраб олинган.

— **"Ўзбекмузей" жамғармаси томонидан айни чоғда амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?**

— Ортимиз ИКОМ (Халқаро музейлар кенгаши) томонидан 2004 йилда қабул қилинган Музей этикаси кодексининг 6-бандига биноан ноқонуний йўллар билан Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган ноёб осори-атиқаларни қайтариш ҳуқуқига эга. Шу боис, мамлакатимизнинг IX-XX асрларга оид ноёб экспонатлари ва археологик топилмалари бошқа давлатларга олиб чиқиб кетилган. Ҳозирги кунга қадар юртимизга қайтарилмаган музей ашёларини олиб келиш, ноёб экспонатларни маърифат масканларининг муҳим кўргазмасига айлантириш борасида самарали натижаларга эришиб келинмоқда. 1869 йили Самарқанддан Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман мусулмон дунёсининг муқаддас китоби VII аср Қуфа қўлёзма ёдгорлиги "Усмон Куръони"ни Петербург императорига жўнатади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан "Усмон Куръони" халқимизга қайтарилди. Мазкур ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидида ишчи гуруҳ

тузилди. Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Давлат архиви ҳамда музейларимиз архивида сақланиб қолган ёзишмаларни ўрганиш билан шуғулланмоқда.

— **Маълумки, ҳар бир соҳа тажриба алмашиш орқали янада ривож топади. Бу борада жамғарма тасарруфидида музейларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Шу йилнинг август ойида АҚШнинг Смитсоновский институти реставратори жамғарма томонидан ўтказилган ўқув-семинар чоғида маҳорат дарсини ўтди. 12-17 сентябрь кунлари, аса Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Гёте институти ҳамкорлигида "Музей педагогикаси. Замонавий санъат билан таништиришдаги долзарб методлар" мавзусида ўқув тренинги ўтказилди. Тренинг Германиянинг музей педагогикаси Ассоциацияси аъзоси Сюзанне Ристов хоним ҳамда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси директори ўринбосари Камола Акилова томонидан олиб борилди. Республика-миздаги барча музейлардан саралаб олинган илмий ходимлар бир ҳафта давом этган ушбу ўқув тренингда гуруҳларга бўлиниб, турли тоифадаги томошабинлар билан ишлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси-

да тақдирини ўтказдилар. Мазкур тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, илмий ходимлар томошабинни музей ашёси билан таништиришнинг янги усуллари билан фойдаланишни ўргандилар. Масалан, ўзим ушбу машғулот давомида тарбияси оғир болалар билан ишлаш жараёнини ўргандим. Бунда уларга машҳур rassom Раҳим Аҳмедовнинг ҳаёт йўлини таништиришдан бошладим ва асталик билан унинг ижодига, эришган ютуқларига тўхталиб ўтдим. Тарбияси оғир болаларда кўпинча оила аъзолари билан келиша олмаслик ҳоллари учрайди, шу боис уларнинг музейга бўлган қизиқишини уйғотиб, ота-оналари билан келиш шарти билан уларга бир ойлик бонуслар тарқатдик. Ўқув машғулот чоғида яна бир гуруҳ ўрта ёшлиларга мўлжаллаб "Кечки музей" лойиҳасини ишлашди. Бунда кундузи вақти бўлмаган, ишда чарчаган томошабинни музика садолари билан жалғитиб чарчоғини олгандан сўнг музей экспонатлари билан таништирилади.

Музейлар замонарларни замонар билан боғлар экан, унинг ривожланиши, тараққий этиши, келажақ авлодига янада бой тарих билан танишишига асос бўлади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Дилфуза РЎЗИЕВА,
суҳбатлашди

қотда бўламиз, нотариат соҳасига доир миллий ва халқаро қонунчиликни мунтазам кузатиб борамиз. Мана шу жараёнда шунга гувоҳ бўламизки, мустақилликнинг илк йилларидан ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдимизга пиروвард мақсад қилиб қўйган бўлсак-да, бу борадаги ислохотларни миллий тикланиш, ўзликини англаш, маънавиятимизни ҳаётга қайтариш билан олиб бордик. Натижада қонунларимиз умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ талабларига уйғун равишда ҳаётга татбиқ этилди. Айни чоғда одамлар ҳаётида, муносабатларида миллий менталитетимизга, минг йиллар давомида шаклландган умуминсоний кадриятларимиз устуворлигига эришилди. Оддий мисол: маҳалларда ташкил этилган яраштириш комиссиялари фаолиятини олиб кўрайлик. Халқимизга хос донишмандлик, ҳурмат тамойили асосида шаклланаётган бундай комиссиялар билиб-бил-

май келишмовчиликка борган ёш оилаларга панд-насихат бераёпти, атрофдагиларни масалани ижобий ҳал этишга ундамоқда.

Бу, айниқса, ҳозирги ижтимоий рақобат, яъни "оммавий маданият", ҳаётга енгил қараш кучли бўлган муносабатлар шароитида ниҳоятда аҳамиятлидир. Гап шундаки, бозор тузилмалари ривожланиб борган сари бу рақобат анча бемаъни тус олиши, ижтимоий зиддиятга айланиб кетиши мумкин. Бундай рақобатга маърифий, ижодий тус бериш, бунёдкорликка айлантириш, энг аввало, маданий-ахлоқий механизмларга суянган ҳолда эришиш мумкин. Булар қайта тикланаётган миллий кадриятлар билан ҳозирги замон цивилизацияси сингдираётган яшаш меъёрларининг умумлашмаси ҳамдир.

Г.ФАКИРОВА,
Янгийўл туманидаги
1-сонли давлат нотариал
идораси катта нотариуси

ЖАРАЁН

Илм фидойиси

Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, маданият, спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурида белгилаб берилган.

● ТАЪЛИМ



«Шогирдларим билан фахрланаман»

- ДЕЙДИ, БОЁВУТЛИК КИМЁ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ ҒАЙРАТ АКА УМОНҚУЛОВ

Бугунги кунда Сирдарё вилояти ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидида жами 52 та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 4 тасини академик лицей, 47 тасини касб-хунар коллежи ва 1 тасини Бахт шаҳар ўғил болалар маҳсус коллежи ташкил этади. Мавжуд касб-хунар коллежларида 65 та йўналиш бўйича жами 40690 нафар ёшлар таълим-тарбия олиб, касбларга ўргатилмоқда.

Вилоятдаги мавжуд таълим масканлари орасида Боёвут туман сановат-касб хунар коллежининг ўз ўрни бор. Исмоил Турдиев раҳбарлик қилаётган илм даргоҳи 2000 йилдан иш бошлади. Ҳозир 6 йўналишда 652 нафар ўқувчи касб-хунар сирларини оғалламоқда. Билим масканида кимё, физика, математика, биология, инглиз тили фанлари чуқурлаштириб олиб борилади. Бунда албатта, фидойи, жонқуяр устоз муаллимлар астойдил меҳнат қилишмоқда. Ана шундай муаллимлардан бири, кимё фани ўқитувчиси Ғайрат Умонқуловдир. Мана 40 йилдан ошибдики, Ғайрат ака ёшлар билан бирга. Ўз фанини астойдил ўргатиб келади. Кўплаб шогирдлар чикарди. Бугун уларни жамиятимизнинг барча жабхаларида кўришимиз мумкин. Айниқса, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётганлари кўпчилигини ташкил этади.

Бу йил Ғайрат аканинг орзу-умидлари ушалди. Шогирди Маъруфжон Бахриддинов кимё фанидан Республика олимпиадасида 1-ўринни олиб, 45-халқаро Менделеев олимпиадасида иштирок этди. Москва шаҳрида ўтказилган олимпиадада Маъруфжон ўз билими ва

иктидорини намойиш этиб, Ўзбекистон билими ёшларга тўла эканлигини кўрсатди. Олимпиада совриндорларидан бири бўлди.

— Мен ўз шогирдларим билан фахрланаман, - дейди Ғ.Умонқулов. — Маъруфжон ўз билими, тиришқоқлиги билан ажралиб туради. Бир неча йиллардан буён фани чуқур ўрганиб бораёпти. Эришган натижаларидан хурсандман. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Истиқлол туфайли катта имкониятларга эга бўлди. Замонавий ўқув бинолари, синф хоналар энг сўнгги компьютер жиҳозлари. Бунга ёшларимиз ўз

муваффақиятлари билан жавоб беришмоқда. Юртимиз доврўгини жаҳонга кўз-кўз қилишмоқда. Қолаверса, мухтарам Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатётган ҳар томонлама ғамжўрлиги боис шундай натижаларга эришяямиз.

— Мен дарсларни интернет-туради. Бир неча йиллардан буён фани чуқур ўрганиб бораёпти. Эришган натижаларидан хурсандман. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Истиқлол туфайли катта имкониятларга эга бўлди. Замонавий ўқув бинолари, синф хоналар энг сўнгги компьютер жиҳозлари. Бунга ёшларимиз ўз

университет ва Менделеев номидаги кимё технология институтининг кимё факультетлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаман. Ўзро фикр алмашамиз. Сўнгги янгиликлардан халқимиз билан тураман. Ҳозиргача ўнга яқин электрон дарсликлар яратиб, марказимиз орқали республикага тарқатаямиз.

Ғайрат ака доимо ангилликка интилади. У Менделеев даврий системасининг янгича макетини яратди. Унинг моҳияти шундан иборатки, 1 катагда элементдан 30 хил физик, химик хоссалари тўғрисида маъ-

лумотлар олиш мумкин. Бунда кимё фани ўқитилиши 20 фоизга яхшиланади.

— Юртимиз кундан-кунга чиroy очиб, гўзллашиб бормоқда, - дейди Ғайрат ака. — Вазифамиз шу юрт учун, Ватан учун билимни, коммунал ёшларни тайёрлаб бериш, Президентимиз таъбири билан айтганда, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт. Бугун бу сўзлар ўз исботини топаётир.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истиқлол йилларида ёшлар онги ва руҳига миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигини, Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат тўйгуларини сингдириш, унга асосланган соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Албатта, бу жараённи тезлаштиришда янги жамиятнинг маънавий-маърифий таянчи бўлган муқаддас она тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, унинг софлигини сақлаш беқиёс аҳамиятга эга.

Ўзбек тили грамматикаси, сўз ясалиши, терминология ва лексикография, лугатшунослик бўйича кенг қўлмалли илмий тадқиқотлар олиб бораётган истеъдодли олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги олим, адабиёт институти Терминология бўлими мудири Неъмат Маҳамовни ҳамкасблари ва шогирдлари она тилимизнинг катта билимдони, чинакам жонқуяри, илм фидойиси сифатида эъзозлашади.

Инсон камолотида у туғилган макон, унга танланган исм, у сабоқ берган устозларнинг ҳам ўзига хос таъсирлари бўлади. Нурга чулганган табаррук Нуротада туғилиб, Марказий Осиёдаги энг нуфузли олий даргоҳ — Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетиде таҳсил олган бўлажак олим ҳеч иккиланмай илм йўлини танлади. Бу йўл машаққатли бўлса-да, сиру ҳикмати кўплигини ҳис қилди. Чунки, илм оламида ҳам худди ҳаётнинг ўзидаги каби ҳақиқат ва кашфиёт дарров юзага чиқармайди: бунинг учун курашиш, барча кучларни сафарбар этиш, бошлаган ишларни охирига етказиш, тинимсиз мақсадга интилиш, шижоатли ва матонатли бўлиш зарур. Ўзигини англаган шижоатли қалбда жамият ҳаётига дахлдорлик, миллат ва мамлакат тақдирига, танлаган соҳасига маъсулият ҳисси балинд бўлади. Неъмат ака доимо ўз сўзи ва фикрида собитлиги, шогирдларининг изланишларини рўёбга чиқаришда, бошланган ишини охирига етказишда қатъий туришига кўпчилик ҳавас қилади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, 1995 йилда "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши ўзбек миллий адабий тилининг нуфузини янада оширди, унинг иш юритиш доирасини ниҳоятда кенгайтди. Албатта, бу тарихий ислохотлар ёзувни ислох қилиш, ўзбек грамматикаси қонуниятларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, замонавий таълим тизими учун дастурлар тузиш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратишни талаб қиларди. Олимнинг "Адабий норма ва плеоназм", "Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари", "Ўзбек тилида лексик вариантлар" каби илмий монографиялари бу борадаги тадқиқотларнинг энг мукаммал ҳисобланади. Унинг "Ўзбек тилида иш юритиш" қўлланмасининг узлуksиз равишда 4 марта нашр этилганлигининг ўзидек алоҳида эҳтиром ва эътирофга сазовордир.

— Услубшунослик, орфография, лексикология, расмий услуб ва тестологияга оид қатор тадқиқотлари Неъмат аканинг серкирра илм соҳиб эканлигидан далолат беради, - дейди ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзои Дурдонахон Худайберганаева. — Айниқса, устозимиз лугатшуносликда катта шухрат қозонди. Ўзбек тилшунослиги тараққийида, балки миллий маданиятимиз равақида муҳим воқеа ҳисобланган 5 жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"нинг муал-

лифларидан биридир. 12 жилдик "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"нинг яратилишида тилшунослик ва ижтимоий фанлар бўйича маслаҳат кенгаши аъзоси сифатидаги илмий-ижодий фаолияти ва изланишлари эса ҳақиқий фидойилик намунасидир. Олим тилшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишланган 3 та монография, ўндан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, юздан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. Шунингдек, икки юздан зиёд асарларга муҳаррирлик ва тақризчилик қилган.

Тараққийнинг ҳозирги босқичида илм том маънода халқаро миқёсдаги ҳамкорлик бўлиб қолди. Фанлар бўйича турли давлатларда тўпланган илмий янгиликлар бир-бирининг кемтигини тўлдирди, бири тўпланган ҳазина иккинчисини бойтади. Забардаст олим 2007-2011 йилларга мўлжалланган "Халқаро терминэлементларнинг изоҳли-иллюстратив лугати" лойиҳасига раҳбарлик қилар экан, бу лойиҳада мамлакатимиздаги кўплаб истеъдодли ёш олимлар иштирок этаётганидан қувонади. У ўз соҳасининг энг нозик қирраларини яхши билади, она тилига меҳр қомиллигини, юртга садоқатнинг асоси эканлигини чуқур ҳис қилади, илмни матонатли инсонлар эришиши мумкин бўлган жамики олий мақсадларнинг, "эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу иш"нинг гултожи сифатида эъзозлайди.

Устозимиз Неъмат Маҳамовнинг машаққатли изланишлари, илмга эътиқоди муносиб тақдирланди — 2006 йилда олим Президентимизнинг Фармони билан "Меҳнат шухрати" ордени соҳиб бўлди. Унинг илмий раҳбарлигида 5 та тадқиқотчи номзодлик диссертациясини ёқлади. Ҳозирда яна ўндан ортиқ шогирдлари химоя арафасида туришибди.

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида фанга бахшида ўтаётган салкам 40 йиллик умрнинг мазмуни устозлар эътибори, ҳамкасблар эътирофи, шогирдлар эҳтиромиде, республикада биринчи-нардан бўлиб тестологиянинг назарий ва амалий муаммоларини, масалалари кенг ёритилган "Тест натижаларининг дидактик таҳлили", "Тест якунлари" каби илмий-таҳлилий мақолаларида, "Тестология бўйича русча-ўзбекча, ўзбекча-русча изоҳли терминологик лугат-минимум" сингари бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий тадқиқотларда намоён бўлади.

Она тилимизнинг етуқ билимдони, ёшларнинг талабчан ва меҳрибон устози, илм фидойиси, "Меҳнат шухрати" ордени совриндори Неъмат Маҳамов илм йўлини танлагани, бу йўл уни саодат манзилига етаклагани учун ўз тақдирдан миннатдор. Қуёш барчага баробар нур сочганидек, юртимизнинг маърифатли фарзанди қалбидеги зиё ва фидойилик ўсиб келаётган ёш авлодга ҳам ибрат бўлмоқда.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА,
ЎЗМУ "Ўзбек тилшунослиги" кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор, Европа Табиий фанлар академиясининг академиги, Хулқаро ХАМРОЕВА, журналист

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

Эл саломатлиги йўлида

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилди. Утган йиллар мобайнида тиббиёт соҳасини янада ислох қилиш мақсадида шифо масканларини замонавий тиббий аппаратуралар билан жиҳозлашга эътибор қаратилмоқда. Бу эса энг аввало, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



— Шифохонамиз 35 минг нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, - дейди Миришкор туман шифохонаси бош врач Бекмурод Мамедов. — 135 та ўринга эга шифохонамиз 7 та бўлимдан иборат. Поликлиникада 103 нафар тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Аҳолига замон талаблари даражасида аниқ таълим ва таҳлиллар асосида тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ходимларнинг иш самарадорлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида соҳага бўлган катта эътибор туфайли касалликка аниқ таълим кўйиш ва шу асосда беморларни тўғри даволаш мақсадида поликлиникага Хитой, Германия, Америка, Япония давлатларидан ультратовуш текшируви, кардио-монитор ва рентген аппаратлари, жарроҳлик асбоблари ва столлар келтирилди. Ушбу асбоб-ускуналар шифокорлар ишини янада энгиллаштириши кутилмоқда.

— Поликлиникамиз 100 қатновга мўлжалланган, - дейди

Чироқчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-сонли марказлашган поликлиника мудири Баҳодир Эшбоев. — Терапия, неврология, стоматология, травматология, хирургия, педиатрия, лаборатория бўлимлари ҳамда рентген хизмати 87 минг нафар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаёпти.

Сухбатимизга қўшилган поликлиника акушер-гинеколог Баҳодир Галаев она ва бола саломатлиги борасида амалга оширилётган амалий тадбирлар ҳақида қисқача гапириб берди.

— Оналар ва болалар соғлигини назорат қилиш мақсадида шифокорларимиз мунтазам аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб туришади. Қолаверса, туғиш ёшидаги хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва аниқланган касалликларни стационар йўллар

орқали даволаш яхши йўлга қўйилган, - дейди Б.Галаев. Шунингдек, поликлиника шифокорлари бир қатор ташкилот ва муассасаларда бўлиб, "Соғлом онадан соғлом бола", "Соғлиқ ва соғлиқни сақлаш" каби мавзуларда доимий тушунтириш ишларини олиб боришади. Шундан бўлса керак, бу ерда оналар ва болалар ўлими ҳолатлари анча камайган.

Шерзод КУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● АНЖУМАН

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш: ҳолат ва истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Туризм

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ

"Ўзбектуризм" миллий компанияси ташаббуси билан ташкил этилган йилгида мамлакатимизнинг ушбу соҳа учун таъриф тайёрловчи олий ўқув юртлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилар, экспертлар ва журналистлар иштирок этди.

Анжуман мамлакатимизда туризм соҳасидаги ислохотлар самараси, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш механизми, қадимий обидаларга сайёҳларни кенг жалб этиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, меҳмонларни жаҳон андозаларига мос техника ва технологиялар билан таъминлаш ва ходимлар малакасини ошириш масалаларига бағишланди. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сайёҳлик бизнесини ривожлантиришда Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори сайёҳлик соҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, унинг замонавий турларини шакллантириш борасида амалга оширилётган ишлар, "Ўзэкс-марказ"да 2-4 ноябрь кунлари "Буюк ипак йўли туризми-2011" Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси иш бошлаши ва унга

тайёргарлик кўриш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Бугунги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан таъриф буорадиган сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон, Қўқон сингари тарихий шаҳарларидаги осори-атиқаларни катта қизиқиш ва ҳайрат билан томоша қилишади. 2011 йил биринчи ярмида юртимизда туристик хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръати 27 фоизга, сайёҳларга хизмат ҳажми 6,6 фоизга ошган. Мамлакатимиздаги 782 та туристик корхоналар фаолият юритиб, уларнинг 488 таси туроператорлик марказлари бўлса, 294 тасини меҳмонхоналар ташкил этади.

Ўзбекистон курорт ва тарихий жойлар сони бўйича дунёдаги энг етакчи ўнта мамлакат сирасига кирди. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Тадбирда "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ўтган йиллар давомидаги фаолияти таҳлил қилиниб, соҳа ходимларининг ҳисоботи тингланди. "Буюк ипак йўли туризми-2011" Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасини ташкил этаётган TNT Эхро компаниясининг кўрғазмага тайёргарлик кўриш суулари ҳақида кенг жамоатчиликка маълумот берилди.

Азима ҚИЁСОВА


ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Микрокредитнинг темир қонуни

БАНГЛАДЕШЛИК МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ШАХСИЙ БИЗНЕСЛАРИНИ "Grameen Bank" Сиз тасаввур этолмайди



Бугунга келиб банкнинг кредиторлари сони 7 миллиондан ошган. Бошқача айтганда, дастлаб 27 доллар эвазига бошланган кредит ҳажми 2011 йилга келиб 10,3 миллиард долларга етди.



Агентлар ўзлари жавобгар бўлган қишлоқ ва посёлкаларни кезиб, кредиторларнинг иш ва шароити билан танишади, керакли маслаҳатлар беради. Зеро, улар мазкур кредитнинг қайтишидан ҳам манфаатдор.

Бугунги кунда кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни дунё аҳлига яхши маълум. Айниқса, янги асрда иқтисодий ва молиявий соҳаларда туб ўзгаришлар, ўсишлар, кризислар кузатилаётган бир пайтда мазкур тармоқни ривожлантириш нақадар муҳим эканлиги кўпроқ намойён бўлмоқда. Бу борада Бангладешда қарийб 30 йилдан буён фаолият юритаётган, қарийб 8 миллион миқозга эга бўлган "Grameen bank" кўлаётган усул содда, аммо пухта ишлаб чиқилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур банкнинг асосий миқозларини камбағаллар ташкил этади. Кредитларнинг 97 фоизи аёлларга берилади. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу ташкилот томонидан берилган кредитларнинг 98 фоизи қайтарилмоқда — бу ҳар бир банкир оруз қиладиган кўрсаткич. Ҳўш, банкнинг асосий миқозларини камбағаллар ташкил этса, кредитлар қандай қайтарилмоқда? 2006 йилда Мухаммад Юнус асос солган "Гремин банк" (бенгал тилида Камбағаллар банки дегани) Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бир қарашда микрокредитлар сиёсатининг дунёда тинчлик ва ҳафсизликни таъминлашга ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлади. Бироқ чўрткесар ва қатъиятлилиги билан ном қозонган Нобель кўмитаси аъзолари бундан шундай изоҳлади:

"Аҳолининг катта қисми қашшоқликда кун кечираётган бир пайтда тинчлик ва фаровонликка эришиш қийин. Микрокредит бу борада самарали усулдир. Зеро, аҳолининг энг қуйи қатламлари фаровонлигини таъминлаш — демократик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади". Мутахассисларнинг фикрича, ҳали ҳеч қачон тинчлик йўлида Нобель мукофоти банк фаолияти учун берилмаган ва ҳеч қачон иқтисодий соҳасидаги мукофотга бунчалик яқин бўлмаган.

1971 йилда Бангладеш мустақиллигини кўлга киритди. Бир йилдан сўнг ёш иқтисодчи Мухаммад Юнус Гарвард университетини тугатиб, ватанига қайтди. Аммо у ерда Юнусни урушдан чарчаган халқ, қашшоқлик, қуялган иқтисод, ишсизлик кезиб турарди. Ўз навбатида ҳақон ҳамжамияти Бангладешда ёрдам қилини чўдади. Пойтахт Дакка аста-секин инсонпарварлик, хайр-саховат кўрсатувчи ташкилотлар марказига айлана бошлади. Чет элдан ўша пайтда 100 млн дан ортқ аҳоли истискомат қиладиган мамлакатга жуда катта миқдорда ёрдамлар келди, мамлакат хорж маданини сеза бошлади. "Бироқ мен ушбу пуллар ўйрланаётганини кўрадим. Камбағалларга эса ҳамдардликдан бошқа ҳеч нарса етиб бормаётганди", дея эслайди Мухаммад Юнус.

Ҳўш, янги назарияни яраттишга шу ҳолатлар сабаб бўлгандир. 1976 йилда Юнус ўз ҳамёнидан 27 доллар кредит ажратди. Балки, бу ҳозирги кунда унча катта маблағ саналмас, аммо кредиторнинг ўзига ҳослиги ҳам шунда эди. Кейинчалик қишлоқ аҳолиси учун ишлаб чиқариш вояларини харид қилишга қаратилган заёмлар дастури ишлаб чиқилди. Заёмни ҳамма қайтарди. 1983 йилда янги молия институти ташкил топди — "Grameen bank".

Бугунга келиб мазкур банкнинг кредиторлари сони 7 миллиондан ошиб кетди. Бошқача айтганда, дастлаб 27 доллар эвазига бошланган кредит ҳажми 2011 йилга келиб 10,3 миллиард долларга етди. Аҳамиятли томони шундаки, кредит олувчиларнинг қарийб 95

фоизи аёллардан иборат, гарчи уларнинг аксарияти саводсиз бўлса-да, банк капиталининг 80 фоизини бошқаришади. Кизик, нима учун "Grameen bank"нинг асосий миқозларини хотин-қизлар ташкил этади? Дастлаб заёмлар аёл ва эркаклар ўртасида тенг миқдорда тақсимланди. "Лекин мен аёллар фойдадан топилган даромадни оила ва болалар учун жуда яхши тақсимлашларини тушуниб етдим. Демак, пул беҳуда кетмайди, оилада қолади", - дея изоҳлайди Юнус.

—Кредит — инсоннинг бирламчи ҳақ-ҳуқуқи. — "Гремин банк" асосчиси доктор Мухаммад бир лаҳза жим туриб яна давом этди. — Ва асосан аёллар учун. Жиддий заёмчи аёллар кредитни бир йилга олиши мумкин. Айримлар бешинчи заёмдан кейин унча катта бўлмаган ишлаб чиқарувчи гуруҳнинг бошида туради, капитал эса уларга кўп имкониятлар беради. Мисол учун, қишлоқ жойларига электр энергиясини олиб бориш, техника воситаси ва бошқа зарур технологиялар келтириш мумкин.

Ҳўш, заёмчининг ҳеч вақоси йўқ, гаровга қўйишга бирор нарсаси бўлмаса, банк кредитни қандай кафолат билан беради? Худди шу ерда Юнуснинг усули иш беради. Дайлик, заёмчи аёллар 5 нафардан иборат гуруҳ тузади, уларнинг ҳар бири ўз лойиҳасига эга бўлиши шарт. Уларга 100-150 еврогача кредит берилади. Агар пулни заёмчилардан бирортаси қайтармаса, бошқаларга қарз бериш тўхта-тилади. Қоидабузарнинг бахтига қарши қарз олганларнинг барчаси қишлоқда истиқомат қилишади! Бундай темир қонун банк ташкил этилган кундан бошлаб йўлга қўйилган.

Банк фақат иншон асосида ишлайди. Заёмчи пулни олган, ҳеч қандай юридик ҳужжатга имзо чекмайди, у банкка ҳам керак эмас. Агар миқоз пулни қайтара олма-са, юридик ташкилот у билан суд-лашиб ҳам ўтирмайди. Аксинча, миқоз қониб кетмаслиги учун унга навбатдаги кредитлар тақлим эти-либ, фойз ставкалар туширилади, кредитни қайтариш муддати узай-тирилади. Бунинг учун махсус кичик кредитлар дастури жорий этилган бўлиб, ўрни келганда, пул ўрнига зарур техника жиҳозлари тақдим этилади.

Барча банклар сингари "Гремин" учун пулнинг қайтиши му-ҳим. Бу борада банк томонидан кредитни қайтаришнинг бошқа

усуллари ҳам мавжуд. Унга кўра, мингдан ортқ агентлар ўзлари жавобгар бўлган қишлоқ ва посёлкаларни кезиб, кредиторларнинг иш ва шароити билан танишади, керакли маслаҳатлар беради. Зеро, агент мазкур кредитнинг қайтишидан ҳам манфаатдор.

Банкнинг асосий мақсади мамлакатда камбағаллик, қашшоқликни бартараф этишдир. Бунга эришиш учун фақат кредитлар ажратишнинг ўзи қифоя қилмайди. Бангладешда саводсизлик ҳали-ҳануз юқориликча турибди. Бунинг ўз вақтида англаб етган "Grameen bank" мутахассислари асосий эътиборини талаба-ёшларга ҳам қаратган. Маълумотларга кўра, 2011 йилнинг ўзига 30 миң нафар студентга 775 миң долларлик стипендиялар ажратилди. Бунга параллел равишда «студент кредитлари» лойиҳаси ҳам йўлга қўйилган. Кредит тиришқоқ ва малакали талабаларнинг она-лари учун мўлжалланган бўлиб, уларга фарзандлари олий таълим муассасаларида ўқишни да-вом эттириш учун 5 фоизли кредит ставкалари тақлим этилади. Асосий талаб шуки, кредитни она эмас, балки талаба ўқишни тугат-ган, ишга жойлашгандан сўнг қай-тариши керак. "Grameen bank" аллақачон 17 миңдан ортқ талабага кредит ажратди.

— Камбағал камбағалликдан қутулиш учун унга моддий ва психологик ресурслар керак", - дейди Юнус. — Кредит эса ҳар кимга ўз тақдирини ўз қўлига олиш имкони-ни беради. Шундай экан, келинг, кредитни иншон ҳуқуқларидан би-ри айлантирайлик.

Банкнинг марказий офиси пой-тахт Даккада жойлашган. Аммо унинг бошқа шаҳарларда филиал-лари йўқ. Юнуснинг фикрича, банк ходимлари шаҳардан кўра қи-шлоқларда туриб одамларга яқин-дан ёрдам бериши, уларнинг ҳаёти-ни янада фаровон, мазмунли қилишга туртки беришлари керак. Соддадил Юнуснинг "майда та-шаббуси" дастлаб Бугунжапон банк иқтисодчиларининг қулгусига са-баб бўлди. Ҳатто, халқаро ташки-лот бундай параметрни ўз маълу-лати билан баҳолаётган кўрсаткич-ларга қарата қарайди. 10 миллиард АКШ долларидан зиёд ҳажмдаги кредитлар берилган. Муваффақ-иятли метод орқали бошқа мам-лакатларда ҳам филиаллар ташки-л этилди. Собиқ банк раҳбари ушбу маълумотларни гурур билан эъти-роф этаркан, ўзининг лавозимдан озод этилгани банкнинг келгуси-даги фаолиятига таъсир этмасли-гига ишонади.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish"
шарҳловчиси

Греция дефолт Остонасида

Люксембург Бош вазири, Еврогуруҳ раҳбари Жан-Клод Юнкер қарзга ботган Грециянинг еврохууддан чиқарилмаслиги ва бу мамлакатда дефолт юз беришига йўл қўйилмаслигини таъкидлаган.



Ҳозир халқаро аудиторлар Греция ҳукумати-нинг Европа Иттифоқи ва Халқаро Валюта жамғар-масидан навбатдаги молиявий кўмакни олишга лойиқ чоралар кўрган-кўрмаганини ўрганмоқда. Агар халқаро ташкилотлар ва еврохууд давлат-лари Грецияга қўлқарув пакетининг мазкур бўҳрон оқиба-тида евро қиммати АКШ долларига нисбатан йил давомида энг паст кўрсаткичага тушган.

Кўмита қарорини Эълон қилди

Швеция Қироллик институти Нобель му-кофотининг 2011 йилги совриндорларини Эълон қилди.

Нобель кўмитаси инсон туғма иммун систе-

● РАНГИН ДУНЁ

Рассомлик санъати

УНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Яқинда мисрлик олимлар бундан икки миңг йил муқаддам яшаган одамларнинг расмини топишга муваффақ бўлишган эди. Маълум бўлишича, қадимги замон рассом-лари ўз асарларини ёғоч тахталарда ёрқин бўёқларда акс эттириш-ган. Ҳатто суратдаги қорасоч, қорамангиз одамларнинг кўзлари ниҳоятда жонли чиққан.

юмларнинг гўзал-лигини улуғлайди. Инсонни ўраб тур-ган нарса ва буюм-лар тасвири натюр-морт дейилади. «Натюрморт» сўзи француз тилидан таржима қилинган-да «жонсиз табиат» деган маънони ан-глатади. Турли давр ва турли халқ рассомлари рас-сомлик санъати, графика, хайкал-рошлик, ўймакор-ликда натюрморт-лар яратишган. Ай-никса, XVII асрда фламанд ва гол-ланд рассомлари Ф.Снейдерс, В.Хед ва бошқалар томо-нидан яратилган натюрмортлар ду-нёда машҳур саналади.



Мусаверининг мўйқалам ва бўёқлар ёрдамида чизган расми худди ҳаётдагидек табиий чиқ-са, албатта томошабинни ҳаяжонга солади. Рассом бўёк ва чизиклар воситасида одам-нинг юз ҳаракатдаги ифодаси-ни, соя ва нур ёруғлигини тас-вирлайди. Шунинг учун ҳам яхши картина агар у ёрқин ва тиниқ бўёқларга бой бўлса, шодлик кайфиятини, мабодо, рассом ўз асарларида қора ва бўёқ ранг-ларга уруғ берса, демак у гамгин кайфиятни ифодалаган бўлади. Рассом одатда кўз ўнгимизда ҳаётнинг гўзалликларини: қара-ғайларнинг улуғворлигини, тўфонли денгиз даҳшатини, че-чакларнинг нафис рангини ва ҳатто инсоннинг чуқур кечинма-ларини ифодалашга интилади. Санъатнинг бошқа турлари каби рассомлик санъати ҳам бизни ҳаётда тўғри йўлни ташлашга ўргатади, туйғуларимизни тар-биялайди. Қолаверса, гўзаллик-ни борича севишни ўргатади.

Дунёда шундай рассомлар борки, уларнинг асарлари кўпчи-ка мусика ёки шеърийга қиёс қилинади. Олайлик матода мўйбўёқ ёрдамида шабада теб-ратиб турган дарахт шохчаси тас-вирланган. Оддий шохчада қан-дай сир бўлиши мумкин? Бунда ҳеч қандай сирнинг ўзи йўқ, ас-лида. Фақат яхшилаб назм со-линса, шохчаларнинг нафислиги ва шиддаткорлиги кўзга ташла-нади. Рассом оддий шохчани шу қадар енгил, ҳавода муаллақ ҳолда тасвирлайдики, беихтиёр инсон ўзини-ўзи нега шу пайта-га дарахтларнинг гўзаллигига эътибор бермадим-а, дея қойий бошлайди. Демак, рассом ода-дий инсон англамаган ёҳуд ўша-сини тушунишга сабри чидама-ганларга кўришни ўргатади.

ПОРТРЕТ

Портретнинг дастлабки наму-налари милоддан анча аввал Қадимги Миср ва Юнонистонда яратилган. Лекин бу даврдаги одамлар тасвири кўпроқ худо-лар ва афсонавий қаҳрамонлар-ни эслатади. Уйғонинг даврида рассомлар иншон қиёфаси тас-вири янада кўпроқ қизиқтирди. Бу даврда Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэль ва бош-қа рассомлар ажойиб портрет-лар яратдилар. XV-XVI асрларга келиб эса портрет санъатининг гуллаган даври бошланган.

РАФАЭЛЬ САНТИ

Уйғонинг даврининг буюк рас-сомларидан бири Рафаэль Сан-ти (1483-1520) Италиянинг у қадар катта бўлмаган Урбино шаҳарчасида дунёга келган. Унинг отаси черковлар учун ав-длай сир бўлиши мумкин? Бунда ҳеч қандай сирнинг ўзи йўқ, ас-лида. Фақат яхшилаб назм со-линса, шохчаларнинг нафислиги ва шиддаткорлиги кўзга ташла-нади. Рассом оддий шохчани шу қадар енгил, ҳавода муаллақ ҳолда тасвирлайдики, беихтиёр инсон ўзини-ўзи нега шу пайта-га дарахтларнинг гўзаллигига эътибор бермадим-а, дея қойий бошлайди. Демак, рассом ода-дий инсон англамаган ёҳуд ўша-сини тушунишга сабри чидама-ганларга кўришни ўргатади.

Римда Рафаэль ўзининг маш-ҳур «Сикст мадоннасини» ярат-ди. Биз бу асарда боласини кўта-риб кетаётган ёш онани кўра-миз. Она ўғлининг ҳаёт йўлида оғир синовлар борлигини, бахт-га эришиш осон кечмаслигини айтмоқчидек, гўё. Картина буюк оналик ҳасорати ҳақида ҳижо қилади. Шунинг учун бу асар ҳозирги кунда ҳам томошаби-ларни ҳаяжонга солиб келмоқ-да. Рафаэль буюк архитектор ҳам эди. У «мангу шаҳар» — Ри-мини саройлар, черковлар, вилла-лар билан беъзади. Бу иш ҳаддан ташқари ортқча кучни талаб этарди. Булар Рафаэльнинг соғ-лиғига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. У 37 ёшида вафот эт-ди. Рафаэльнинг инсониятга қолдирган ўлмас асарлари ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам қанча-дан-қанча авлодларни завқлан-тириши шубҳасиз.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" муҳбири

НАТЮРМОРТ

Рассомлар ўз асарларида та-биат томонидан иншон учун ҳа-дда этилган неъматларнинг мўл-қуллигини, иншон яратган бу-

КЎЗГҮ

Севара тикувчиликнинг барча сир-синаотларини эрта ўрганди. Жиззах шаҳар "Кимёгар" маҳалласининг бир чеккасидаги пешайвонли уйда тикувчилик цехи ишга туширилгач, унинг орзулари ушала бошлади. Очiq кўнгил, сергайрат ва истараси иссиқ қиз дастлаб цехда тикувчи, кейинчалик унга раҳбарлик қилиб барча имкониятларини ишга солди. Бир дам ҳам тиним билмай елиб-югурди. Унинг хузурида дугоналари, мактаб битирувчилари, ҳатто, қўшни хотин-қизларнинг ҳам қадами узилмай қолди. "Севарага битта сўзана тиктириб олсам, унинг хунарини эгалласам" деганларнинг эса сон-саногини йўқ.

АМАЛИЙ САНЪАТ

Сўзанада

ЭРТАНГИ КҮН ОРЗУЛАРИ

Сўзанадининг тайёр қисмини кўздан кечираркан, ёнига дугоналари келиб, уни кузатишга тайёр бўлишга эришди. Чакқон ва эпчил ҳаракатланаётган тикувчи қизларнинг нозик бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё эртанги кун орзуси ва ўйларини ҳам қўшиб тикаётгандек эди.

"Севара нур" цехини кенгайтириш осон бўлмади. "Ямата", "Чайка", "Оверлок" каби тикув машина, дастгоҳ ҳамда хомашёлари келтиришда бирмунча қийинчиликларга дуч келди. Яхшиям турмуш ўртоғи Орифжон бор экан. Севаранинг ташвишларига шерик бўлиб, оғирини енгил қилди.

Қисқаси, цех саҳни сўзана, дарпарда, бешикжилд, дўппи, келин-куёв либослари каби миллий хунармандчилик буюмлари билан тўлиб, шогирдлари ҳам чевар тикувчилар ҳисобига кўпайиб борди.

Бундан икки йил муқаддам хунарманд-уста Севара Очилова «Устоз-шогирд» анъаналарини давом эттириб, ўзи яшаётган "Кимёгар" маҳалласидаги оилалар ўртасида тикувчилик курсини очди. Шу тариқа ёшлар учун иш ўринларини кўпайтириш ва касб-хунар ўргатиш ташаббуси билан чиқди. Эндиликда Матлуба Усмонова, Шахноза Гафурова, Мавлуда Усмонова каби ўндам зиёд ёшлар ўзлари мустақил тикув-бичув юмушларини уддалашмоқда.

Севара Очилова Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Жиззах



вилояти бошқармаси хузуридаги "Biznesconservis" унитар корхонаси қошидаги "Орзу" ўқув маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Тикувчилик" махсус ўқув курсини тамомлагач, мана беш йилдирки, маҳалланинг қиз-жувонлари унга шогирд тушиб нафис, бежирим, бир-бирини тақорламайдиган кашталар тикиб, сўзана, уй-рўзгор буюмлари, эркак ва аёллар кийим-кечаклари тайёрлашмоқда.

— Хунарли киши хор бўлмас, - дейди устоз шогирдларига ҳар доим. — Касбингни севсанг, эъозлабсанг рўзгоринг бут, турмушинг фаровон бўлади.

Хунарманд-уста Севара Очилова шогирд танлашга алоҳида аҳамият беради. У асосан ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг фарзанд-

ларига касб маҳоратларини ўргатиб келаяпти. Шунингдек, маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, боқувчисини йўқотган, меҳр-муруватга муҳтож қарияларга ҳам ёрдам қўлини қўзиб келмоқда.

Севара вилоятда ҳар йили бўлиб ўтаётган "Меҳр нури" фонди ярмаркаларида ва турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти. "Ташаббус-2011" кўрик-танловининг вилоят босқичида у ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсата олди ва "Энг яхши ёш тадбиркор" дея эътироф этилиб, кўрик-танловнинг сертификати ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

У бугун ҳам ҳар доимгидек барвақт уйғониб тикаётган

ЎГИТ

Агарчи билимдонлар хузурида жим туриш — Одобдир. Аммо, пайти келганида сўзлаб қол. Икки ҳол ақлсизлик: гап келганда гапирмай, Зарур чоғда жим турмай, бўлиб кетиш сўзамол.

БИЛАСИЗМИ?


Науру — расмий пойтахтига эга бўлмаган дунёдаги ягона давлат ҳисобланади.

Кариб ороллари орасидан фақат Кубадагина темир йўллар мавжуд.

ТУРФА ОЛАМ

Янги лойиҳа


МЕКСИКАДА "МАЙЯЛАР ДУНЁСИ" НОМЛИ САЙЁҲЛИК ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МАДАНИЯТ МУЗЕЙЛАРИ ОЧИЛИШИ КУТИЛМОҚДА.



Бу каби музейлар мамлакатнинг Кинтана-Роо, Кампече, Чьяпас, Ютакан ва Табаско штатлари ҳудудида очилиши режалаштирилган. Биринчи бўлиб Ютакан Мерида шаҳрида барпо этилажак "Майялар дунёси" музейи 2012 йилнинг июнь ойида ишга тушиши лозим. Ҳозирда муаллифларнинг фикрича, бундай музейлар Мексика тарихи ва маданиятининг кўпчилиги учун номаълум бўлган жиҳатларини очиб беришга хизмат қилади.

Ручка-сичқонча

ДИЗАЙНЕРЛАР РУЧКАГА ЎХШАШ КОМПЬЮТЕР СИЧҚОНЧАСИНИ ЯРАТИШДИ.



PenClick Mouse — оддий компьютер сичқончасидан тубдан фарқ қилади. Дизайнерларнинг гапига қараганда, уни қўл ёрдамида истаган кўйга солиш мумкин. Қолаверса, бундай сичқончадан фойдаланувчининг қўллари умуман чарчамайди, у ҳар бир амални математик аниқлик билан бажаради. PenClick икки версияда: симли ва симсиз бўлиб, РС ҳамда Mac гаджетларини қўллаб-қувватлайди.

Интернетнинг акс таъсири

ХИТОЙДА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИНИНГ СОНИ 500 МИЛЛИОНДАН ОШИБ КЕТДИ.



Бундай кўрсаткичдан ваҳимага тушган ҳукумат аҳолини интернетнинг акс таъсиридан ҳимоя қилиш йўллари изламоқда. Сабаби, интернет узатаётган ҳолис ва ноҳолис манбалар туфайли халқ ўртасида оммавий норозиликлар пайдо бўлиши мумкин. Шу боис, интернет тармоғини назорат қилиш мамлакатда янада кучайтирилган. Сиёсий жиҳатдан хавфли бўлган айрим веб-контентлар, Twitter каби инсон ҳиссиётларини эркин ифода қилиш имконини берувчи микроблогларга уланиш вақтинчалик таъқиқлаб қўйилган. Манбада келтирилишича, бугун Хитойда 300 млн.дан ортиқ микроблоггер бор.

Гастрономик тадқиқот

КАЛОРИЯЛИ ОВҚАТЛАНИШ АЁЛ ОРГАНИЗМИДА СУЯК ИЛИГИНИНГ ЙЎҚОЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.



Мазкур хулосага келган тадқиқотчиларнинг гапига қараганда, холестеринга бой маҳсулотлар энг аввало, организмда янги тўқималарнинг туғилишига тўсқинлик қилади. Суяк илигидаги тўқималар янгилашмай аста-секин қирила бошлади. Бунинг натижасида эса суякларнинг дарз кетиши, мўртлашиши ва синиши кузатилади. Тадқиқотчи Дональд Мак Доннелнинг айтишича, эстроген моддаси суяк илигига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, менопауза арафасида турган аёлларда эстроген кўп бўлишига қарамай, умуман фойда бермаслиги мумкин. Шу боис, бундай пайтда шифокорлар нафақат тўғри овқатланиш, балки дори-дармон билан даволанишни маслаҳат беришмоқда.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ва фракцияси ЎзМТДП МК ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шўҳрат Дехқонова отаси

БЕКМИРЗА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

Сизга таъзим, азиз устозлар!

Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан жойларда Маданият ва спорт ишлари бошқармалари бошчилигида турли хил тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилояти Олтинсой туман педагогика коллежи, Музработ туман агросервис қишлоқ ҳўжалиги коллежи, Термиз педагогика коллежи, Қизилқум туманидаги иқтисодийёт коллежи талаба ва ўқитувчилари, Шўрчи туман халқ таълими бўлими ходимларини вилоят кўнрақ театри, "Маржон", "Дониёр", "Файз" эстрада гуруҳлари, "Парвоз" ва "Шодиёна" дасталари ўзларининг кўй, қўшиқ ва рақслари билан муборакбод этишди.

Мухтасархон КАРИМОВА

Теннисчимиз — бош соврин соҳибаси

Пекин шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимида кирувчи турнирнинг жуфтлик беллашувларида ҳамюртимиз Сабина Шарипова россиялик Анна Тюльба билан ҳамкорликда бош совринни қўлга киритди.

Қизлар ўртасида биринчи рақамда сараланган мазкур дует финалгача мезбон теннисчилар — Сио Кин ва Кян-Кян Жаони 6:3, 6:3, Тянь Као ва Ксиоронг Донгни 6:4, 6:3, гонконглик Катерина Ип ва жанубий корейлик Нам Йеон Жунни 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Сабина Шарипова ва Анна Тюльба бош соврин учун ўтказилган финал баҳсида индонезиялик Алдила Сутжиади ва хитойлик Ай Вен Жу устидан 6:2, 3:6, 10:3 ҳисобида зафар қучиб, мусобақа голиби бўлди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

ТАСАННО

Ўзбегим ошпазлари

ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА



Халқимизнинг маънавий ва маданий меросини катта бир уммонга қўйлаш мумкин. Унга қанча шўнгиганини сари ноёб жавоҳирларга дуч келаварсан. Буун барча жабҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилаётгани сир эмас. Шу ўринда ўзбек пазандалик санъати ҳам буун дунё аҳли томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси расми Акбар Умаров билан уюшма фаолияти, унинг асосий мақсад ва вазифалари хусусида суҳбатлашдик.

— Уюшмаимиз ташкил топганига унчалик кўп вақт бўлмади. Шунга қарамай, мутахассисларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловларда қатнашиб улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси 2008 йилда ташкил топган бўлиб, 2009 йили Халқаро бош ошпазлар кенгаши уюшмаси аъзоллигига қабул қилинган. Асосий вазифамиз миллий таомларимизни дунёга танитиш, ўзбек пазандалик санъатини келажак авлодларга етказишдан иборат. Айниқса, ошпазларимизнинг малакасини ошириб, уларни халқаро танлов ва фестивалларга олиб бориш, қолаверса, коллеж, лицей ва олий ўқув юртрали талабаларини шу касбга қизиқтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВЛАР

Турли нуфузли халқаро мусобақа, танлов ва кўргазмаларда юртимиз вакилларининг юксак ўринларни қўлга киритаётганини кувончли ҳолдир. Масалан, 2008 йилда ошпазларимиз Россиянинг Екатеринбург шаҳрида "Евразия" ва "Еврофеска" халқаро кўрик-танловларда қатнашиб, олтин, кумуш ва бронза медалларини билан қайтишди. Уша йили Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро пазандалар кўрик-танловида эса 4 та олтин, 4 та кумуш, 2 та бронза ва Гран-При номинацияси бўйича 34 та давлат орасидан иккинчи ўринни эгаллашди. 2010 йили Молдовада ўтказилган Халқаро танловда қатнашган ошпазларимиз 2 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза

медалига сазовор бўлишди.

Жорий йилда Украинанинг Киев шаҳрида Халқаро "Ёш пазандалар" кўрик-танловида ёш шогирдларимиз ҳам қатнашиб, бош мукофотга эга чиқишди. Таъкидлаш жоизки, кўрик-танловда дунёнинг кўплаб давлатларидан 200 нафардан ортиқ ёш ошпазлар ўз маҳоратларини кўрсатиб, голиблик учун беллашилди. Энг муҳими, мусобақа давомида Киев миллий савдо иқтисодиёти ҳамда Россия, Молдова, Беларуссия, Озарбойжон мамлакатларининг халқаро тоифадаги мутахассислари ошпазларимизнинг маҳоратини юксак баҳолаб алоҳида эътироф этишди. Мамлакатимиз вакилларидан Мохира Жўраева ресторани ширинликлари номинацияси бўйича олтин ҳамда оригинал таомлар бўйича кумуш, Мирзаали Акбаров кўйи гўшти таомлари бўйича кумуш ва хамир таомлари йўналишида диплом, Алишер Жалдибоев карвинг санъати бўйича олтин медал билан тақдирланди. Бундан ташқари ёш ошпазларимизга миллий мавзу номинация бўйича тўртта олтин медал топширилди. Мусобақанинг асосий Гран-при номинациясида умумжамоа ҳисобида қатнашиб, иккинчи ўринни банд этишди. Бу йўналишда ёшларимиз учта медал ва кубок билан тақдирланиб, Киев миллий савдо иқтисодиёт университетидаги кириш учун имтиёзли сертификатларга ҳам эга бўлишди.

Албатта, бундай кўрик-танловлар ёш мутахассисларга соҳа сирларини янада кўпроқ ўзлаштиришда, ўз устида ишлашга ва келгусида соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб етишишларида катта маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

"УСТОЗ-ШОГИРД" АНЪАНАСИ

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмасида "Устоз-шогирд" мактаби яратилган. Халқаро уста пазандалар Абдусаттор Сомодов, Сунатилла Сулаймонов, Зухра Жўраева, Наргиза Умарова каби бир қанча мутахассисларимиз ёш шогирдларнинг малакасини ошириб, пазандалик сир-асрорларини ўргатиб, халқаро кўрик-танловларда қатнашиб Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келишмоқда.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Маълумки, аждодларимиз қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Дастурхонимиз ҳам асосан гўшт ва сут маҳсулотлари билан безалган. Бундан ташқари, мамлакатимизда азалдан ёғ-мой ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Зигир, кунжут ёғининг шифобахшлиги ҳақида эса қадим замонлардан буён кўп ва хўп гапирилади. Айниқса, дунёга машҳур паловимизни ёғсиз тасаввур этиш қийин. Бугунги кунда дунёнинг исталган меҳмонхонаси ёки ресторанининг таомномасида миллий таомларимиз номини учратиш мумкин.

А.УМАРОВ:

— Аввало шуни айтиш керакки, шарқона таомлар инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, баҳор фасли кириши, "илик узилди" пайтида кўк сомса, қовурилган кўк чучвара, гўштли чалпақ, ҳалим, сумалак ва шунга ўхшаш кўплаб таомларимиз инсонга куч-қувват бағишлайди. Шунингдек, доимий истеъмол қилинадиган миллий таомларимиз таркибида инсон имун-тизимини мустаҳкамлайдиган дармондорилар ҳам етарли миқдорда бор. Вақтида тўғри овқатланишга риоя қилиш, мижозга кўра миллий таомларимиздан истеъмол қилиб турилса, деярли барча касалликларни енгиш мумкин.

Ўз даврида миллий таомларимизнинг шифобахшлигини Абу Али ибн Сино ҳам баён этганлар. Дунёга машҳур паловимиз ҳамма касалликларга шифо бўлса, қовоқли таомларимиз ошқозон, ичак касалликларида кони фойда дейилган. Хўплама, мастава, ёвгонхўрда, шўрва грип касалликларида куч бағишласа, қимиз, сузма, қатик, кумрон сил касаллигига даводир. Шўрва, суяқ ош ошқозон шираси ажралишини рағбатлантиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди ва бошқа таомлар ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шу боис уни дастурхонга биринчи таом сифатида тартадилар. Ҳа, бугунги кунда ўзбекона таомларимиз таркибидаги дармондориларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётгани сир эмас.

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси ўз олдига улкан мақсадларни қўйгани аниқ. Тан олиш керакки, ўзбек ошпазлари ҳам Ватанимизни дунёга танитишда ўзларини муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Биз уларга миллий таомларимиз доругини дунёга ёйишда, миллий меросимизни келажак авлодга етказишда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири